O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2010 йил 6 апрель, № 66 (4981) Сешанба

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 5 апрель куни Оқсаройда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Пан Ги Мунни қабул қилди.



Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон минтақавий ривожланишнинг кўплаб долзарб йўналишлари бўйича БМТ билан самарали ҳамкорлик қилиб келаётганини таъкидлади.

— Сизнинг минтақамиз давлатларига, жумладан, Ўзбекистонга ташрифингизни муҳим аҳамиятга молик воқеа ва БМТнинг Марказий Осиёга катта эътиборидан далолат, деб биламиз. Бу ташриф барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш, изчил ривожланиш, сув-энергетика, минерал-хом ашё ресурсларидан фойдаланиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда минтақамиз халқларини ташвишга солаётган бошқа кўплаб масалаларни муҳокама қилиш учун яхши имкониятдир, — деди Президентимиз.

— Ўзбекистон ва БМТ ўртасидаги умумий масалаларни ҳал этиш доирасида ўзбекистонлик ҳамкорларимиз билан биргаликда ишлашдан мамнунман. Орол денгизини кўриб, бу фалокатнинг бутун минтақа экотизимига етказган салбий таъсири кўлами нечоғли катта эканига ишонч ҳосил қилдим. Мураккаб экологик шароитда яшаётган одамлар билан учрашдим. Қарийб бутун минтақа аҳолиси бошидан кечираётган офатни тасаввур қилишнинг ўзи оғир. Ўзбекистон Республикасининг Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотидаги раислигини юксак баҳолайман. Бу, шубҳасиз, тинчлик, барқарорликни таъминлаш ҳамда минтақавий ва халқаро ривожланишга доир кўплаб долзарб масалаларни ҳал этишда ғоят муҳим аҳамиятга эга, — деб қайд этди БМТ раҳбари.

Ўзбекистоннинг БМТ билан ҳамкорлиги доирасида ҳозирги хавф-хатар ва таҳдидларнинг олдини олиш, экологик муаммоларни бартараф этиш, Орол денгизи ҳалокати оқибатларини енгиллаштириш масалалари, шунингдек, замонавий халқаро муносабатларнинг бошқа кўплаб йўналишлари долзарб вазифалар сифатида белгиланган. Мамлакатимиз қўшни Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш бўйича муҳим ташаббусларни илгари сурди ва БМТнинг Афғонистонни ижтимоий-иқтисодий тиклаш бўйича турли дастурларини амалга оширишда самарали ёрдам кўрсатиб келмоқда.

Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига раислик қилаётган Ўзбекистон Республикасининг ташаббуси билан БМТ Бош ассамблеяси ўтган йилнинг декабрь ойида БМТ ва ШҲТнинг ҳамкорлиги тўғрисидаги резолюцияни қабул қилди. Бундай нуфузли халқаро ташкилотларнинг улкан тажриба ва салоҳиятини самарали тарзда бирлаштириш халқаро ва минтақавий хавфсизликни таъминлашда янги истиқболлар очилишига хизмат қилади.

Оқсаройдаги учрашувда Пан Ги Мун самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, БМТ Ўзбекистон Республикаси билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлашдан манфаатдор эканини алоҳида таъкидлади. БМТ Бош котиби давлатимиз раҳбарининг минтақавий ва халқаро ривожланишнинг долзарб масалаларини ҳал этиш борасидаги изчил ва самарали ёндашувига юксак баҳо берди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва БМТ Бош котиби Пан Ги Муннинг учрашуви якунида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти Котибиятлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма декларация имзоланди.

(ЎзА).

Сарвар ЎРМОНОВ,
Аъло АБДУЛЛАЕВ
олган сурат.

Президентга мактуб

Мамлакатимизда хат ва хабарлар оқими бир зум тўхтамайдиган шундай бир даргоҳ борки, бу — Ўзбекистон Республикаси Президенти девонидир. Бу манзилга "Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга" деган ёзув билан ҳар куни диёримизнинг узоқ ва яқин шаҳар-қишлоқларидан юзлаб хатлар келади. Эътиборли томони шундаки, бугунги кунда мамлакатимизда ислоҳот ва ўзгаришлар жараёни янги босқичга кўтарилиб, халқимизнинг фидокорона меҳнати билан турли соҳа ва тармоқларда янги-янги юксак марралар қўлга киритилаётгани, бу, ўз навбатида, юртдошларимизнинг кундалик ҳаёт тарзига, онгу тафаккурига ижобий таъсир кўрсатаётгани ана шу мактубларда ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда.

Қуйида давлатимиз раҳбари номига йўлланган, Ватанимизнинг бугунги ва эртанги истиқболини ўйлаб меҳнат қилаётган минг-минглаб фидойи инсонларнинг фикру зикри, интилиш ва кайфиятларининг кўзгуси бўлган ана шундай хатлардан бири чоп этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовга

Мен Сурхондарё вилояти, Шўрчи туманидаги Қурилиш, уй-жой-коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежида ишлаб чиқариш таълими устаси бўлиб ишлайман. Олий маълумотли қурилиш инженериман. Турмуш ўртоғим олий маълумотли педагог бўлиб, ўрта мактабда математика фанидан дарс беради.

Ота-онам пенсионер, уч нафар фарзандим бор. Учаласи ҳам ўғил. Тўнғич ўғлим Тошкент шаҳрининг қоқ марказида жойлашган филология ва санъатга ихтисослашган мактаб-интернатда ўқийди. Оиламиз билан орзуларимиз бир дунё. Айрим одамлардан оддий ўқитувчи бўлсанг, катта пулинг бўлмаса, болангни Тошкентдай жойда ўқитишинг қийин, деган гапларни эшитиб қолардим баъзида. Балки шунинг учундир, менда ҳам бошида озгина иккиланиш бўлди, чунки, ўзингиз биласиз, ҳаммани ўйлантирадигани — масаланинг иқтисодий тарафи. Лекин мен, қийналсам ҳам ўқитаман, деб ўғлимни Тошкентга олиб бордим ва у имтиҳонлардан ўтиб ўқишга қабул қилинди. Қувончимизнинг чеки йўқ. Айниқса, таълим масканида ўқиш учун яратилган қулай шарт-шароитларни кўриб хурсандчилигимиз янада ортди. Мактабнинг ётоқхонаси ичида, болалар учун уч маҳал иссиқ овқат берилади, медпункт ишлаб турибди. Болалар ғамхўр тарбиячи ва устозлар назорати остида. Тўлови эса ойига энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдорида экан.

Буларнинг барчаси учун, авваламбор, Сизга раҳмат!

Шу ўринда Сизга айтмоқчи бўлганим, яқинда қўлимга бир китоб — Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бакнинг «Мўъжиза содир бўлмайди» деган китоби тушиб қолди. Муаллиф китобида, асосан, ўзининг бошидан кечирганлари ҳақида, умуман, ўз ҳаёти ҳақида ёзган. Шубҳасиз, Жанубий Кореяга яқинда қилган ташрифингиздан олдин ушбу китобни ўқиб чиққан бўлсангиз керак. Китобни ўқиб тугатиб, беихтиёр Сиз ҳақингизда ўйлаб кетдим, хаёлан иккловларингизни солиштирдим. Жаноб Бак кечаю кундуз меҳнат қилганда, ўз манфаати ва ўзи ишлайдиган хусусий компания манфаати учун меҳнат қилган ва катта ютуқларга эришган. Бу таҳсинга сазовор, албатта. Аммо масаланинг битта "лекин"и бор: жаноб Бак Корея Республикаси гуллаб-яшнаган бир пайтда давлат тепасига келди.

Сиз-чи?

Сизнинг ҳаёт йўлингиз, Сиз босиб ўтган йўллар, йиллар кўз олдимдан ўтар экан, сиёсатшунос профессорлар — доктор Карлайл ва доктор Левитин айтган гаплар ёдимга тушди. Сиз халққа фақат меҳнат ва пешона тери тавсия қила оладиган қийин бир шароитда, мамлакат сиёсий бўҳронлар исканжасида қолган бир пайтда, ҳаётингизни гаровга қўйиб, мамлакатга раҳбарлик қилишдек масъулиятли вазифага киришдингиз. Сиз халқнинг қалбида келажакка умид ва ишонч уйғота олдингиз ва ўшандан бери озмунча ишларни амалга оширдингизми?

Мустақиллигимизгача, эркинлигимиз Москванинг қўлида бўлган пайтлар болалигингиздан қийинчилик чекиб, ўқиб катта бўлгансиз, ўз сабот-матонатингиз, ғайрат-шижоатингиз билан кечани — кеча, кундузни — кундуз демай, қору ёмғир демай, давлат қаёққа лозим топса, ўша ёққа бориб ишлагансиз. У вақтларда шахсий манфаат деган тушунчанинг ўзи йўқ эди. Худди ҳозиргидек, доимо халқни ўйлагансиз, халқ дарди билан яшагансиз. Баъзи бировлар тан олмайдиган ёки тушунишни хоҳламайдиган оддийгина ҳаётий қонуният борки, ҳар бир қийинчиликнинг бир яхши томони бўлади.

Мустабид шўро тузуми қулади. Дориламон кунлар келди. Оллоҳга шукрлар бўлсинким, бошимизда Сиздек Юртбошимиз бор.

Сизнинг қимматли вақтингизни олаётганим учун хижолатдаман, лекин айтмасам бўлмайдиган яна баъзи гапларим бор.

Инсон умр бўйи ўқийди, улғаяди, курашларда тобланади. Ёшим 39 да, лекин ҳали ҳам кўп нарсаларни ўқиб-ўрганишим кераклигини, анча нарсаларни билмаслигимни англаб қоламан. Авваллари ёш, шўх, беташвиш йигитча эдим. Энди эса оиламнинг тинчлигини, соғлиғини, фаровонлигини, фарзандларимнинг келажагини ўйлайдиган бўлиб қолганман. Мен-ку 7-8 кишилик оилам учун шунча қайғураман.

Сиз-чи? Сиз 28 миллионлик халқимизнинг тинчлиги, соғлиғи, фаровонлиги, келажаги учун қайғурасиз!

Ўзбекистон Президенти деган масъулиятли вазифада Сиздек — халқ хўжалигининг мураккаб соҳаларида мастер ёрдамчилигидан етук муҳандис-конструкторликкача, кейинчалик турли хил раҳбарлик лавозимларида ишлаб, керагидан ортиқ қийинчиликлар кўрган, ҳаётий тажрибаси бақиёс бўлган Инсоннинг тургани учун Оллоҳга беадад шукрлар бўлсин, дейман.

Коллежимиз биносидаги ахборот-ресурс маркази кутубхонасида ишдан бўш вақтларимда газета-журнал ўқийман, китоблар мутолаа қиламан. Сизнинг «Ватан — саждагоҳ каби муқаддасдир», «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари", шунингдек, хорижлик профессорлар — доктор Левитин ва доктор Карлайл томонидан ёзилган «Ислом Каримов — янги Ўзбекистон Президенти» китоблари шулар жумласидандир.

Кутубхона юқори қаватда жойлашгани учун деразадан текис-равон йўллар, тураржой бинолари, ям-яшил далалар, гўзал қирадирлар кафтдагидек кўзга яққол ташланиб туради. Ва беихтиёр ўйга толаман.

Бугунги кунда, атрофимиздаги айрим давлатларда рўй бераётган иқтисодий қийинчиликлар, ўзаро келишмовчилик, айниқса, бизнинг Сурхондарё билан чегарадош бўлган Афғонистондаги урушжанжаллар давом этаётган бир пайтда тинч-осуда юртда яшаётганимизнинг ўзи қандай катта бахт!

Мамлакатимиздаги сиёсий барқарорлик, ғалла мустақиллиги, энергия ресурслари мустақиллиги, темир йўл транспорти мустақиллиги, ўзимизда ишлаб чиқарилаётган автомобилларимиз, шаҳар-қишлоқларимиздаги улкан қурилиш, бунёдкорлик ишлари, жаҳон банкларидаги олтин захираларимиз, турли соҳалардаги самарали ислоҳотлар, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини четлаб ўтишимиз, дунёдаги етакчи давлатларнинг биз билан ҳисоблашиши, жаҳон аҳлининг халқимиз билан ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик йўлидан бораётгани — буларнинг бари, менинг фикримча, Сизнинг тўғри сиёсатингиз ва саъй-ҳаракатларингиз туфайли амалга ошди.

Сиз билдирган улкан мақсад, вазифа, яъни XXI асрни Ўзбекистон асрига айлантиришимиз керак, деган даъватга тўла ишонаман. Ҳозирги кунда баъзи халқлар ўзларини тараққиёт бобида энг юксак маррага етгандек ҳис қилишади, лекин, менинг назаримда, ҳаёт давом этар экан, бу марра баландлашиб бораверади. Чунки ҳаёт бор жойда муаммолар ҳам туғилавериши табиийдир. Модомики шундай экан, «Кўз кўрқоқ — қўл ботир», деган нақлга амал қилиб, биз ҳам ўз мақсадларимиз сари, ҳар биримиз Сиздан ибрат олиб, бутун борлиғимиз билан ҳаракат қилишимиз керак, деб ўйлайман.

Сўзимнинг охирида айтар гапим — Сиз халқимиз учун жуда кераксиз, азиз бошингиз доимо омон бўлсин.

Раҳматилло ИСМОИЛОВ,
Сурхондарё вилояти,
Шўрчи тумани,
М. Хидиров кўчаси, 26-уй.

БМТ БОШ КОТИБИНИНГ ТАШРИФИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Пан Ги Мун 4-5 апрель кунлари мамлакатимизда бўлди.

БМТ Бош котиби дастлаб Нукус шаҳрида Оролбўйидаги экологик вазиятни яхшилаш борасида амалга оширилган ишларга бағишланган тақдимот маросимида иштирок этди.

Президент Ислом Каримов раҳнамолигида минтақада экологик вазиятни барқарорлаштириш, ҳалокат оқибатларини енгиллаштириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва ижтимоий муҳофазасини таъминлаш борасида амалга оширилаётган аниқ мақсадли дастур ва лойиҳалар ўз самараларини бермоқда. Табиий муҳитни ҳимоя қилишга, биохилмахилликни тиклашга йўналтирилган кенг кўламли чоралар кўрилмоқда.

Тақдимот маросимида минтақадаги экологик вазият ҳақида батафсил маълумот берилди.

БМТ Бош котиби Пан Ги Мун Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Оролбўйидаги экологик вазият билан танишди.

— Минтақадаги экологик вазиятни кўздан кечириб, аҳвол ўта мураккаб эканига амин бўлдим, — деди Пан Ги Мун. — Бу бутун инсониятни огоҳликка чорлайди. Бу глобал муаммони минтақадаги барча давлатлар ҳамжиҳатликда ҳал этиши лозим.

БМТ Бош котиби Тошкентдаги Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистоннинг БМТ билан алоқалари изчил ривожланиб бораётгани, ташкилотнинг ЮНИСЕФ, ЮНЕСКО сингари қатор тузилмалари билан яқин ҳамкорлик мамлакатимизнинг жаҳондаги нуфузини янада оширишга хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юқори малакали кадрлар тайёрлаш, ёшларнинг комил инсон бўлиб етишиши учун зарур шарт-шароит яратиш, олий таълим соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар юксак самаралар бераётгани қайд этилди.

Пан Ги Мун Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети фаолияти ва ўқув жараёни билан танишди. Ушбу таълим даргоҳидаги ўқув тизимига, талабалар учун яратилган шароит ва қулайликларга юксак баҳо берди.

(ЎзА).

ҲУЖЖАТ ИМЗОЛАНДИ

БМТ Бош котиби Пан Ги Муннинг Ўзбекистонга ташрифи доирасида 5 апрель куни Оқсаройда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти Котибиятлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма декларация имзоланди.

Ҳужжатни имзолаш маросимидан сўнг БМТ Бош котиби Пан Ги Мун оммавий ахборот воситалари вакиллари учун қисқача баёнот берди. Қуйида ана шу Баёнот матни эълон қилинмоқда:

Жаноби Олийлари,

Ишончим комилки, ҳозирги замонда ўз-ўзидан ечиладиган ёки БМТга аъзо муайян давлатнинг ёлғиз ўзи ҳал эта оладиган бирон-бир масала йўқ. Бунда терроризм, наркотиклар ноқонуний айланиши каби таҳдидларни, шунингдек, иқлим ўзгариши, табиий офатларни бартараф этиш учун коллектив ёндашув талаб этилади, бу айниқса, минтақавий даражада муҳим аҳамиятга эга.

Шу сабабли мен Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг минтақавий ташкилотлар билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш борасида иш олиб бормоқдаман.

Бу БМТнинг асосий принциплари сирасига ҳам киради.

БМТ Низомида барча қитъаларда инқирозларни бартараф этиш, уларни бошқариш ва ҳал қилиш учун минтақавий ташкилотлар билан БМТ ҳамкорликда иш олиб борадиган шароит яратиш кўзда тутилган.

Бугунги кунда биз узоқ йиллардан буён амал қилиб келинган ушбу ёндашувни янада мустаҳкамлашга ҳаракат қилмоқдамиз ва бу XXI асрда ҳам устувор вазифа бўлиб қолади.

БМТ ва ШҲТ Котибиятлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги декларация Бош ассамблеянинг "Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти ўртасида ҳамкорлик тўғрисида"ги резолюциясига асосан имзоланди. БМТнинг қатор бўлинмалари, хусусан, Осиё ва Тинч океани бўйича иқтисодий ва ижтимоий комиссия (ЭСКАТО), Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси, шунингдек, табиийки, Марказий Осиёда превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази ШҲТ билан ҳамкорликда ишлаб келмоқда.

Ушбу ҳужжатнинг имзоланиши умумий манфаатни ифода этадиган соҳалар, жумладан, низоларнинг олдини олиш ва бартараф қилиш, терроризмга қарши курашиш, оммавий қирғин қуролларини тарқатмаслик, барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлаш, атроф-муҳит емирилиши муаммоларини ҳал этиш каби кўплаб соҳаларда ҳамкорликни кенгайтириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Биз, БМТ Котибиятида, ШҲТ билан мулоқотни давом эттириш ва ҳамкорлигимизни янада мустаҳкамлаш ниятидамиз.

Эътиборингиз учун ташаккур.

9 апрель — Амир Темур таваллуд топган кун

ҲАМ ҒУРУР, ҲАМ ИФТИХОР БАҒИШЛАЙДИ

Ҳазрат Алишер Навоийнинг "Фарҳод ва Ширин" достонидаги бош қаҳрамон — Фарҳод кўз ўнгимизда эзгулик тимсоли бўлиб гавдаланади. Зеро, у одамларга яхшилик тилаб, қалбларга мурувват, раҳм-шафқат истаб яшаган.

Тоғу тошни кесиб, минг машаққатлар ила сув келтирган. Фарҳоднинг бу жасоратини фақатгина Ширириннинг васлига етмоқ умидидаги юмуш деб тушунмоқ ўринли бўлмас. Негаки, қалбида пок муҳаббат, эл-юртга ҳурмат туйғулари бўлмаган кишидан улуғвор ишларни кутиш қийин. Ушбу достоннинг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, унда умр ўткинчи, эзгулик абадий, деган ўлмас ҳақиқат мужассам.

Истиқлол йилларида ҳаётимизда рўй бераётган янгиланишларни ҳам ҳеч иккиланмасдан ана шундай мангуликка дахлдор улуғворликка йўймоқ керак. Зотан, Президентимиз раҳнамолигида бу йилларда асрларга татигулик ишлар амалга

(Давоми 4-бетда).

РАҒБАТ МАСЪУЛИЯТ ЮКЛАЙДИ

Мамлакатимиз Президентининг матбуотда эълон қилинган "Қишлоқ жойлардаги болалар спорти объектларида банд бўлган аёл спорт устозлари меҳнатини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори мен каби шу соҳада фаолият кўрсатаётган кўплаб аёл спорт мураббийлари юрагида фахр-ифтихор ҳиссини уйғотди. Шахсан ўзим спорт мураббийи деган шарафли касбни танлаб тўғри йўл тутганимга яна бир карра ишонч ҳосил қилдим.

Президентимиз раҳнамолигида болалар, жумладан, қизлар спортини ривожлантиришга жуда катта эътибор қаратиляпти. Бу бежиз эмас, албатта. Спорт ёшларни чиниқтириб, иродасини мустаҳкамлайди. Улардаги ватанпарварлик туйғусини кучайтиради. Зеро, баркамол авлодни спортсиз, жисмоний тарбиясиз тасаввур этиш мушкул. Шу эзгу мақсадларнинг рўёбга чиқишида биз, аёл спорт устозларининг ҳам ҳиссамиз бор эканидан бениҳоя мамнунмиз.

Ўз навбатида, ушбу қарор зиммамизга катта масъулият ҳам юклайди. Негаки, бола истеъдодини юзага чиқариш осон иш эмас. Бунинг учун профессионал ёндашув талаб этилади. Қарорда масаланинг бу жиҳатига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Болалар спорт объектларида ишлаш учун юқори малакали кадрларни кенг жалб қилиш лозим.

Дил сўзи

Мураббий ўз ишини севса, болаларга меҳр қўйса, муваффақият, албатта, унга ёр бўлади. Бунга ўз фаолиятим мисолида ишонч ҳосил қилганман. "Умид ниҳоллари" мусобақаларининг вилоят босқичида совринли ўринларни қўлга киритаяпмиз. Уч шогирдим волейбол бўйича вилоят терма жамоаси аъзоси саналади. Мактабимизда 200 нафардан зиёд ўғил-қиз спортнинг волейбол тури билан мунтазам шуғулланаяпти. Масканимизда волейбол, кураш, қўл тўпи, футбол бўйича машғулотлар олиб бориш учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Яқинда теннис столлари ва бошқа спорт жиҳозлари харид қилинди.

Ҳозир вилоятимиз қишлоқларидаги спорт объектларида 143 нафар аёл спорт мураббийи, мактабларда эса 501 нафар аёл жисмоний тарбия ўқитувчиси фаолият кўрсатмоқда. Барчамизнинг мақсадимиз битта — спортнинг оммавийлигини таъминлаш, ёшлар қобилиятини юзага чиқариш. Зеро, улар ютуғи бизнинг муваффақиятимиздир. Эътибор ва рағбат эса кучимизга куч бағишлайди.

Гулҳаё ТАНГРИЕВА,
Олот туманидаги 20-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббийси.

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

Тошкент ислом университетида "Соҳибқирон Амир Темурнинг жаҳон цивилизацияси ривожидаги ўрни" мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси, парламент қуйи палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ҳамда Тошкент ислом университети ҳамкорлигида ташкил этилди.

Конференцияда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, тарихчи олимлар, талаба-ёшлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Анжуманда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари У. Муҳаммадиев, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А. Саидов, Тошкент ислом университети ректори Р. Абдуллаев Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида жаҳон цивилизацияси ривожига беқиёс ҳисса қўшган Соҳибқирон Амир Темур ва темурийларнинг бой маънавий меросини тиклаш, авлодларга етказиш ва тарғиб этиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Амир Темур ва темурийлар даврида фан ва санъатнинг гуллаб-яшнаши умумжаҳон тамаддунига катта ҳисса қўшди. Франция, Буюк Британия, Германия сингари Ғарб мамлакатларида Амир Темур шахсига қизиқиш тобора ортиб бораётганлиги қайд этилди.

Конференцияда таъкидланганидек, Амир Темур ва темурийлар даврининг бой маънавий қадриятлари дунё олимлари томонидан самарали илмий тадқиқ этилмоқда. Хусусан, япон тадқиқотчилари томонидан Соҳибқирон ва унинг авлодлари ҳақида кўплаб монография ҳамда китоблар нашр қилинган. Уларда Амир Темурнинг давлат барпо этиш, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, маъмурий тизим, ҳарбий юришлар, дипломатия, дин, фан, маданият ва санъат соҳасидаги кўп қирали фаолияти кенг тадқиқ этилган.

Тадбир сўнгида Ўзбек миллий академик драма театри артистлари ижросида "Соҳибқирон" спектакли ва Тошкент ислом университети талабалари томонидан "Темур тузуклари" асари асосида тайёрланган саҳна кўринишлари намойиш этилди.

Т. БОТИРБЕКОВ,
ЎзА мухбири.

Комилликка элтувчи мерос

Самарқанд давлат университетида "Амир Темур даври маънавиятининг ёшлар тарбиясидаги аҳамияти" мавзуида республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

"Амир Темур" халқаро жамғармаси томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат шарқшунослик институти ва бошқа олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари иштирок этдилар.

Анжуманда таниқли олимлар томонидан буюк бобокалонимиз шахсияти ва унинг жаҳон тарихида тутган ўрни, "Темур тузуклари" асарининг баркамол авлод тарбиясидаги аҳамияти каби мавзуларда маърузалар ўқилди.

С. АБДУРАСУЛОВ.

ЮКСАК ЭҲТИРОМ ИФОДАСИ

Мамлакатимизда Наврўзи олам айёмининг тароватли, файзли-шукуҳли нафаси кезаётган шу кунларда матбуотда Президентимизнинг "Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 65 йиллиги нишонланиши муносабати билан 1941 — 1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва ногиронларини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди. Айтишимиз керакки, ҳар бир каломидан пиру бадавлат нуронийларимизга улкан эҳтиром ва меҳр-оқибат ёғилиб турган ушбу Фармонни халқимиз бамисоли Наврўз айёмининг яна бир эзгу муждасидай беҳад катта мамнуният билан қабул қилди.

Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси, унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимларининг асосий эътибори ҳам Президентимизнинг аждодларни хотирлаш ва кекса авлод вакилларини қадрлаш, эъзозлашга доир Фармон ва қарорларида жамоат ташкилотлари олдига қўйилган вазифалар ижросини таъминлашга қаратилган.

Шукрона

Олинган маълумотларга кўра, ўтган 2009 йилда жамғарма ҳудудий бўлинмалари томонидан 37445 нафар уруш ва меҳнат фахрийсига 352 миллион сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг жойлардаги бўлимлари ҳамкорлигида 3 мингдан зиёд уруш ва меҳнат ногирони зарур тиббий ортопедик жиҳозлар билан таъминланди. Жамғарма Марказий Кенгаши томонидан Тошкентдаги "Нуроний" ва Хоразм вилоятининг Урганч туманидаги фахрийлар шифохоналарига жами қиймати 522 минг сўмлик дори-дармон воситалари, Хива ва Тошкент шаҳридаги Меҳрибонлик уйларининг ҳар бирига 500 минг сўмдан, жамғарманинг вилоят бўлимлари томонидан Саховат ва Мурувват уйларига 8,7 миллион сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди. Бундан ташқари, нуронийларимизнинг мамлакат бўйлаб саёҳатлари ташкил этилди. Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан барча вилоятларда уруш қатнашчилари ва ногиронлари учун байрам дастурхонлари ёзилди.

Жорий йилда ҳам жамғарма ҳудудий бўлинмалари "Баркамол авлод йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларни ўз эътибори марказида тутмоқда. Президентимизнинг Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 65 йиллиги муносабати билан эълон қилинган Фармонида белгиланган вазифалар ижроси эса жамғарманинг шу кунлардаги долзарб юмушларидан бири ҳисобланади.

9 май — Хотира ва Қадрлаш кунида эса, Президентимизнинг Фармонига биноан, республикамизнинг барча вилоятларида уруш қатнашчилари ва ногиронларига "1941 — 1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушидаги Ғалабанинг 65 йиллиги" юбилей медали ҳамда ҳар бир уруш қатнашчиси ва ногиронига бир марталик бериладиган 200 минг сўм миқдоридаги пул мукофотлари тантанали равишда топширилади. Жамғарма ҳудудий бўлинмалари ҳам бошқа тегишли ташкилотлар қаторида мана шу тадбирнинг зўр кўтаринкилик билан ўтишига пухта ҳозирлик кўрмоқдалар.

Бугунги кунда республикамизда истиқомат қилаётган уруш қатнашчилари ва ногиронлари фақат йилларни эмас, балки яқин тарихнинг оғир, гоҳида ҳаёт-мамот даражасидаги ўта бешафқат синовларини ҳам бошдан кечириб, халқимизнинг бугунги бахтиёр, мустақил ривожланиш кунига етиб келган, бу ривожланишнинг нодир неъматларини, мўъжизаларини ўз кўзлари билан кўришга мушарраф бўлган мўътабар инсонлардир. Уларга Президентимиз ҳар тарафлама ғамхўрлик ва эътибор кўрсатмоқдалар. Биз, мамлакатимиз фуқаролари, ҳар биримиз ҳам бу азиз отахон ва онахонларимизга қўлимиздан келганича иззат-ҳурмат ва меҳр-оқибат кўрсата олсак, бу дунёда шунчалик савоб ва хайрли ишларни қилган бўламиз. Қолаверса, бу — эл-юртга хизматлари сингган муҳтарам кекса авлод олдида ҳозирги миннатдор авлоднинг энг олий инсоний бурчидир.

М. САФАРОВ.

Деҳқонобод туманидаги "Абдулҳамид-Дониш-Сервис" хусусий савдо-ишлаб чиқариш фирмаси томонидан амалга оширилаётган ишлар бугун кўпчиликка манзур бўлмоқда. Гап шундаки, фирма раҳбари Абдушукур Дониев туман марказида яқин-яқингача қаровсиз ҳолда турган эски иморатни 230 миллион сўмлик инвестиция киритиш орқали сотиб олиб, унинг ўрнида замонавий мажмуа барпо этди.

ХИЗМАТ КЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

Ҳозирги кунда бу ерда супермаркет, савдо дўкони, гўзаллик салони, ошхона ва бошқа маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари аҳолига намунали хизмат кўрсатиб келмоқда. Муҳими, тадбиркорнинг ташаббуси туфайли 30 киши доимий иш жойига эга бўлди.

Дарҳақиқат, бугун мамлакатимизнинг қай бир гўшасига борманг, кўркамлигу салобатда бири-биридан қолишмайдиган иншоотларга кўзингиз тушади. Бу мамлакатимизда Истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб амалга ошириб келинаётган ислоҳотлар, хусусан, аҳолини иш билан таъминлаш ва турмуш даражасини янада фаровонлаштиришга қаратилган дастурлар ижросининг самарасидир. Зотан, янги иш ўринларини яратиш, аҳолини иш билан таъминлаш масаласига ислоҳотларнинг барча босқичларида алоҳида эътибор берилмоқда ва бу амалда ўз самарасини кўрсатаётир. Ўтган йили республикамиз бўйича биргина хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида 270 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилгани, унинг аксарияти қишлоқ жойларга тўғри келаётгани бунинг исботидир.

Сервис

Таъкидлаш жоизки, бу борадаги ишларни изчил давом эттиришда давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган қатор Фармон ва қарорлар дастуриламал вазифасини ўтамоқда. Айниқса, Президентимизнинг 2007 йил 21 майдаги "Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори шундай ижобий ўзгаришларнинг асосий омили бўлаётир.

— Чиндан ҳам, юртимизда биз, тадбиркорларга яратилаётган шароит ва берилаётган имкониятлар фаолиятимизни янада ривожлантиришимизда муҳим аҳамият касб этаяпти, — дейди янгийўллик тадбиркор Толиб Деҳқонов. — Бунинг натижасида аҳолига, озми-кўпми, хизмат кўрсатаётганимиздан мамнунмиз. Масалан, яқинда биз туман марказида янги бир мажмуани ишга туширдик. Айни кунларда 600 ўринли тўйхона, "Ёшлар маркази", ошхона, мобиль телефон ва автомобилларга хизмат кўрсатиш шохобчалари аҳоли хизматида.

Мухтасар қилиб айтганда, республикамизда сервис хизмати кўлами тобора кенгаймоқда. Бу, ўз навбатида, жойларда аҳолига ҳар томонлама қулайликлар яратаётир.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Марғилон шаҳри азалдан ҳунармандчилик марказларидан ҳисобланади. Шаҳар номи қўшиб айтиладиган сержило атласу адрасларнинг донғи дунёга кетган. Мустақиллик йилларида ҳунармандчиликка қаратилаётган эътибор туфайли соҳа янада ривож топди.

МАРҒИЛОН БАХМАЛИНИНГ ЖОЗИБАСИ

Бунга "Марғилон бахмали" хусусий корхонаси фаолияти ҳам яққол мисол бўла олади.

Гап шундаки, бу ерда меҳнат қилаётган юз нафарга яқин хотин-қиз миллий ҳунармандчилик анъаналарини давом эттириб, бахмал газламалар ишлаб чиқармоқда. Корхонада тайёрланаётган турфа рангдаги бахмаллар сифати юқорилиги боис унга бўлган талаб тобора ортиб бораяпти. Ўтган йили харидорларга беш хил рангдаги бир миллиард сўмлик газлама етказиб берилгани сўзимиз исботидир.

Изланиш

Жамоа жорий йилда бу кўрсаткични янада ошириш ва маҳсулот турини кўпайтириш ниятида ғайрат-шижоат билан меҳнат қилмоқда.

СУРАТДА: корхона ишчиси Муҳайё Абабакирова.

М. ҚОДИРОВ (ЎзА)
олган сурат.

Ҳар қандай давлатнинг иқтисодий тараққиёти ва ижтимоий соҳаларининг ривожи, табиийки, мавжуд илмий салоҳиятдан нечоғли унумли фойдаланишга боғлиқ. Зеро, яратилаётган инновацион ғоялар, замонавий технологиялар ва илғор ишланмаларнинг амалиётга жорий этилиши саноат корхоналарининг рақобатбардошлигини ошириб, ишлаб чиқаришда учраётган муаммоларни бартараф этишга хизмат қилади. Шу боис мамлакатимизда таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг 2008 йил 15 июлдаги "Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борада янада кенг йўл очиб берди.

ФАН ЮТУҚЛАРИ — ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

— Юртимизда олимларнинг илмий изланиш олиб бориши, ихтиролар қилиши учун барча шарт-шароитлар мавжуд, — дейди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг ижро аппарати раҳбари ўринбосари Одилхўжа Парпиев. — Натижада кейинги йилларда хорижники билан рақобатга кириша оладиган технологик ишланмалар, тежамкор ускуна ва жиҳозлар яратилмоқда. Улар саноат корхоналарини қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилишда кенг қўлланилаётгани, айниқса, диққатга сазовордир. Фан ва ишлаб чиқариш интеграциясида эса анъанавий ўтказиб келинаётган Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаси муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дарҳақиқат, Президентимиз қарорига асосан ташкил этилган ярмарка қисқа вақт ичида интеллектуал мулкнинг ўзига хос бозорига айланди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Зотан, унда республикамиз илмий тадқиқот, олий таълим муассасалари, тажриба-конструкторлик ташкилотлари, кичик инновация корхоналари ва ихтирочилар томонидан кейинги йилларда яратилган ишланмалар кенг қўламда тақдим этилиб, ҳамкорлар топишга муваффақ бўлинмоқда.

Бу, ўз навбатида, ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, сарф-харажатни камайтиришга, энг асосийси, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлашни ўзлаштиришга хизмат қилаяпти. 2008 — 2009 йилги ярмаркалар самараси бунга яққол мисол бўла олади. Гап шундаки, ушбу тадбирларда таклиф этилган инновацион лойиҳаларнинг рўёбга чиқарилиши туфайли 16 турдаги дори воситаларини тайёрлаш маҳаллийлаштирилди. 14 та корхонада импорт ўрнини босувчи саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Яна ўнлаб корхоналар эса техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозланиб, уларнинг фаолияти такомиллаштирилди.

Олимлар меҳнатининг бундай рағбатлантирилиши уларни иқтисодиётимиз ривожига ҳисса қўшадиган рақобатбардош технологиялар яратишга ундаётир. Жорий йилнинг 1-3 март кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган III Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида 600 дан ортиқ ишланмалар намойиш этилгани фикримиз исботидир. Уларнинг қарийб 200 таси саноат, яна шунчаси қишлоқ хўжалиги, 120 таси соғлиқни сақлаш ва фармацевтика соҳасига оид бўлса, 40 дан ортиғи ахборот технологиялари, шунингдек, 25 та ишланма фан ва таълим йўналишларига тааллуқлидир.

Қарор ва ижро

Умуман олганда, тадбирда иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг саноат, қишлоқ хўжалиги, фармацевтика, соғлиқни сақлаш, ахборот технологиялари, фан ва таълим сингари энг муҳим йўналишлари қамраб олинди. Ишланмаларнинг барчаси ишлаб чиқаришга йўналтирилган бўлиб, айни пайтда саноат корхоналарида учраётган муаммоларни бартараф этиш, сарф-харажатларни камайтириш, моддий ресурсларни тежаб-тергаш, энг муҳими, мамлакат экспорт салоҳиятини оширишга қаратилгани эътиборга моликдир. Шу боис ярмарка келишувларга ўта бой бўлди. Илмий натижаларни ўзлаштириш ва инновацион лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилган умумий қиймати 26,1 миллиард сўмлик 457 та шартнома ва келишув баённомалари имзоланди. Жумладан, Ўзбекистон Фанлар академияси Ўсимлик моддалари кимёси институти ва "Алоқабанк" ОАТБ ўртасида тузилган, қиймати 15,5 миллиард сўмга тенг бўлган инвестициявий кредит Меморандуми — шулардан биридир.

— Кредит маблағларининг асосий қисми биологик фаол субстанциялар ишлаб чиқаришга йўналтирилади, — дейди институтнинг илмий котиби Феруза Турсунхўжаева. — Шу билан бирга, институт моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, ишлаб чиқариш ва илмий тадқиқот олиб бориш учун халқаро стандартларга мос шароит яратилади. Бу ички ва ташқи бозорда талаб юқори бўлган маҳсулот тайёрлаш ҳажмини кенгайтириш имконини вужудга келтириши турган гап.

Институтнинг илмий салоҳияти юқори бўлиб, бугунги кунда 6 та йўналиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Айни пайтда тиббиёт, ветеринария ва қишлоқ хўжалиги учун импорт ўрнини босувчи турли препаратлар ишлаб чиқарилаётир. Бу маҳсулотларга нафақат республикамизда, балки Ҳамдўстлик давлатлари, Европа мамлакатлари ва АҚШда талаб ниҳоятда юқори.

Таъкидлаш керакки, ички бозорда эҳтиёж юқори бўлган бундай ишланма, ихтиро ва технологиялар яратишда ёшлар ҳам фаол қатнашмоқда. Улар ярмарка доирасида ўз инновацион маҳсулотларини тақдим этиб, ҳамкорлик алоқалари ўрнатишга муваффақ бўлишаётир. Шубҳасиз, бу юртимизда ёшларнинг илмий изланишларини шакллантириш, улар орасидан истеъдодларни кашф этишга қаратилган саъй-ҳаракатларнинг юксак самарасидир. Натижада илм йўлини танлаган ёшлар сафи йил сайин кенгайиб бораётир. Буни ярмарка иштирокчилари орасида ёш олимлар сони анчайин кўпайгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Қисқача айтганда, мамлакатимизнинг интеллектуал салоҳияти тобора юксалмоқда. Бу иқтисодиётимизнинг гуркураб ривожланиши, саноат корхоналарининг инвестиция фаоллиги йил сайин ошишидан далолат бермоқда. Зотан, интеллектуал мулкнинг амалиётда жадал қўлланилиши тараққиётнинг муҳим гаровидир.

С. РАҲМОНОВ.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2010 йил 6 апрелдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:)*

1 Австралия доллари	1433,71	1 Малайзия рингити	481,95
1 Англия фунт стерлинги	2376,60	1 Польша злотийси	548,69
		1 СДР	2361,28
1 Дания кронаси	282,81	1 Туркия лираси	1030,51
1 БАА дирҳами	423,84	1 Швейцария франки	1469,55
1 АҚШ доллари	1556,69	1 евро	2105,11
1 Миср фунти	282,83	10 Жанубий Корея вони	13,82
1 Исландия кронаси	12,24	10 Япония иенаси	164,92
1 Канада доллари	1545,56	1 Россия рубли	53,28
1 Хитой юани	228,09	1 Украина гривнаси	196,43

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

ЖАҲОН 24 соат ичида

Хитойнинг "Landwind" автомобилсозлик компанияси яна Европа бозорларига киришни мақсад қилди, дейилади "De Telegraaf" хабарида.

Компаниянинг мақсади

Яъни корхона жорий йилнинг июнь ойидан бошлаб Нидерландияда "CV9" русумли машиналар сотувини йўлга

қўймоқчи. Агар ишлар кўнгилдагидек амалга ошса, компания томонидан йилига 15 мингтагача шу русумдаги автомобиль сотилиши режалаштирилмоқда. Шу ўринда айтиб ўтиш керак, ушбу корхона 2005 йилда ҳам Европа бозорига киришга уриниб кўрганди. Аммо ўшанда унинг "SUV" русумли машиналари харидорларга маъқул тушмаган эди.

Текширув олиб борилмоқда

Ироқ пойтахти Бағдод шаҳрида бир нечта қўпорувчилик ҳаракати содир этилди.

"Ассошиэйтед Пресс" ахборот агентлиги хабарига қараганда, портловчи қурилмалар Эрон, Миср ва Германия мамлакатларининг Ироқдаги элчихоналари яқинида ҳаракатга келтирилган. Оқибатда қирққа яқин одам ҳалок бўлган, қарийб икки юз киши тан жароҳати олган.

Ҳозирча мазкур қабиҳлик ким томонидан амалга оширилгани маълум эмас. Текшириш ишлари олиб борилмоқда.

Зилзила содир бўлди

Мексика шимолида кучли зилзила рўй берди.

Бу ҳақда "Рейтер" ахборот агентлиги хабар тарқатди. Манбада келтирилишича, табиий офатнинг кучи Рихтер шкаласи бўйича 7,2 баллни ташкил этган. Вайроналар остида қолиб кетган икки киши ҳалок бўлган, 100 га яқин одам эса жабрланган. Шунингдек, ер силкинишининг таъсири АҚШнинг Калифорния ва Аризона штатларида ҳам сезилган. Бу ердаги талафотлар ҳақида эса маълумотлар йўқ.

Кимошди савдоси

Таниқли рассом Анри Матиссанинг "1919 йил 14 июль гулчамбари" номли картинаси Нью-Йоркдаги "Sotheby`s" кимошди савдосига қўйилди.

Мазкур асарга коллекционерларнинг қизиқиши юқори. Шу боис у 18-25 миллион АҚШ доллари атрофидаги нархга сотилиши кутилмоқда.

Айтиш жоизки, Матиссанинг ижодий ишлари аукционларда доимо юқори баҳоланган. Масалан, унинг 1911 йилда яратган "Кўк ва қизил ранглардаги какку ва гиламли соат" номли картинаси ўтган йили 45,2 миллион АҚШ долларига пулланганди.

Антиқа қулупнай сотувда

"Daily Mail" газетасининг хабар қилишича, Буюк Британиядаги савдо дўконларида антиқа қулупнай сотувга чиқарилди.

Таажжубли жиҳати, унинг ранги оқ бўлиб, ананас таъмига эга. Қулупнайнинг 125 грамми уч евродан сотилмоқда.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

BANK

Ижтимоий таъминотнинг ривожланган мамлакатларда кенг тарқалган шаклларидан бири жамғариб бориладиган пенсиялар бўлиб, унинг воситасида қариялар ва бошқа ижтимоий ҳимоя қилинадиган фуқаролар қўшимча моддий таъминотдан манфаат кўриш имкониятига эга бўладилар.

ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗАНИНГ ИШОНЧЛИ КАФОЛАТИ

Молия муассасаларида

Мамлакатимизда 2005 йилнинг 1 январидан бошлаб, жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизими жорий қилинди. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунига кўра, «Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти, бу — фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақаларидаги маблағлардан давлат пенсиясига қўшимча равишда пул маблағлари билан таъминлаш» тушунилади. Яъни бунда фуқаро давлат томонидан тайинланган пенсияга қўшимча равишда моддий ёрдам олиш имкониятига эга бўлади ва бу, ўз навбатида, фуқароларнинг ижтимоий таъминот олиш юзасидан Конституцияда кафолатланган ҳуқуқларининг янада тўлароқ рўёбга чиқарилишини таъминлашга қаратилган.

Қонунга мувофиқ, иш берувчиларнинг, шунингдек, меҳнат фаолиятини меҳнат шартномаси асосида амалга оширувчи фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этиши мажбурийдир.

Фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб рақамларига мажбурий ҳар ойлик бадаллар жисмоний шахсларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ, ҳисоблаб чиқарилган даромад солиғи суммасидан тегишли равишда чиқариб ташланган ҳолда, ходимнинг ҳисобланган иш ҳақи(даромади)нинг бир фоизи миқдорида амалга оширилади.

Қонунга мувофиқ, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тўлашдан тўлиқ озод этилган бошқа фуқаролар, шунингдек, якка тартибдаги тадбиркорлар, юридик шахсни ташкил этмаган деҳқон хўжаликларининг аъзолари жамғариб бориладиган пенсия тизимида ихтиёрийлик асосида иштирок этадилар.

Жамғариб бориладиган пенсия фондига мажбурий ёки ихтиёрий бадал тўловчи шахслар уларнинг асосий иш жойлардаги Халқ банки филиалларида ҳисобга олинадилар, улар учун шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақаси очилади ҳамда жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси берилади.

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этувчи корхона ва ташкилотларнинг вазифалари ҳам қонунда назарда тутилган ва унга кўра, ҳар бир корхона, ташкилот ўз ходимлари учун мажбурий бадалларини ҳар ойда белгиланган муддатда ҳамда миқдорларда улар учун Халқ банки филиалларида очилган шахсий ҳисобварақларга ўтказиб боришлари шарт. Мазкур бадаллар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 июндаги 110-сонли қарорига мувофиқ, давлат бюджетига ундириладиган солиқлар ва йиғимларга тенглаштирилган.

Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизими маблағларини бошқариш ва тасарруф қилиш вазифаси Халқ банкига юклатилган ҳамда фуқароларнинг ушбу тизим маблағларини тасарруф этиш ҳуқуқлари бевосита Халқ банки филиаллари орқали таъминланади.

«Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари зиммасига ҳам фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия тизимида пенсия таъминоти олишларининг ташкил этилишида муайян вазифалар юклатилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари фуқарода давлат пенсияси олиш ҳуқуқи пайдо бўлган пайтдан бошлаб жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини тасарруф қилиш ҳуқуқини расмийлаштиришни ташкил қилади.

Шу ўринда янги қонун қабул қилиниши муносабати билан мавжуд қонунчиликка киритилган ўзгартишларга эътиборни қаратайлик. Мазкур Қонун дастлаб Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг иш берувчилар ва юридик шахсларнинг ойлик бадаллар ўз вақтида ўтказилишини таъминлашга қаратилган таъсир чораларини, Халқ банки филиалларининг ушбу тизимга, тизимда ҳисобга қўйилган фуқароларга хизмат кўрсатиш борасидаги масъулиятини оширди. Шунингдек, тизимга ундириладиган бадаллар ҳисобини юритиш, ҳисоботларни қабул қилиш ва бадаллар ундирилиши устидан назорат ўрнатиш давлат солиқ идораларининг вазифаси қилиб белгиланди.

Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш ҳуқуқи ушбу пенсия тизимида иштирок этган фуқаролар, тегишли ҳолларда уларнинг вакиллари ҳамда меросхўрларига берилади. Бундай пенсияни олиш ҳуқуқи фуқарода унда давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи пайдо бўлган пайтда юзага келади. Фуқаро вафот этган тақдирда, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида жамғарилган маблағлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меросга ўтади ва меросхўрга бир йўла тўла ҳажмда тўланади.

Фуқаро Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига доимий яшаш жойига чиқиб кетаётган бўлса, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида жамғарилган маблағлар бир йўла тўла ҳажмда тўланади.

Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчининг яшаш жойидаги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлими қонун ҳужжатларида белгиланган шаклда берадиган жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома бундай тўловларни олиш учун асос бўлади.

Тўловларни олувчилар ўзлари мустақил равишда белгилайдиган муддат мобайнида ҳар ойлик жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олишни ёки жамғариб бориладиган пенсия тўловларини бир йўла олишни танлаш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни ўзига хос жиҳатларга эга. Булар қуйидагилардир:

1. Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимига ҳисобга қўйишнинг ва бадаллар тўлашнинг мажбурий-ихтиёрийлиги, яъни муайян ҳолларда мажбурий равишда ҳисобга қўйиш ва бадаллар тўлаб боришнинг шартлиги ва бошқа ҳолларда ёки айрим шахсларнинг тизимда ҳисобга қўйилиши ва тўловларни амалга оширириб боришнинг ихтиёрий эканлиги (масалан, барча юридик шахслар ўз ходимларини ҳисобга қўйишлари ва тўловларни ўтказишлари мажбурийлиги, юридик шахс бўлмаган якка тадбиркорлар, деҳқон хўжаликлари аъзолари ва бошқаларга бу борадаги ихтиёрийлик);

2. Маблағларнинг махсус жамғариб бориладиган пенсия фондига эмас, балки Халқ банки муассасаларида жамғариб борилиши, уларга инфляция даражасидан кам бўлмаган фоизлик даромадлар ҳисобланиши ва тўловлар ҳам келгусида ушбу банк орқали тўланиши, яъни маблағларнинг сақланиши ва тўланиши кафолатини давлат ўз зиммасига олиши;

3. Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимининг мутлақо индивидуаллашганлиги ва ҳар бир тўловчи учун алоҳида махсус ҳисобварағи очилганлиги ҳамда республика бўйича ягона электрон маълумотлар базаси яратилганлиги, бинобарин, ишловчи фуқаролар яшаш ёки иш жойини ўзгартириши тизимда ҳисобга туришга таъсир қилмаслиги;

4. Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларининг иқтисодий тармоқларга инвестиция қилиниши ва шу ҳисобдан тизимга йиғилаётган маблағларнинг ҳамда фуқароларнинг шахсий ҳисобварақларидаги суммаларнинг инфляция даражасидан юқори миқдорларда ва узлуксиз кўпайиб боришига эришилиши;

5. Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти учун тўланадиган бадалнинг ходимдан ушлаб қолинадиган жисмоний шахсларнинг даромад солиғи ҳисобидан (солиқнинг камайтирилиши ҳисобига) амалга оширилиши, яъни давлат бюджетига тушадиган маблағ ҳисобидан шаклланиши;

6. Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти учун тўпланган маблағларни шахсий ҳисобварақ эгалари томонидан тасарруф қилиш асослари кенглиги ва соддалиги ҳамда ҳеч қандай чекловлар йўқлиги.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241 Қонуни билан киритилган ўзгартишга мувофиқ, 2010 йил 1 январдан фуқароларнинг солиқ солинадиган иш ҳақи ва бошқа даромадларининг фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ихтиёрий равишда йўналтириладиган суммаларини жисмоний шахсларнинг даромад солиғидан озод этилиши тизимда ихтиёрий маблағлар билан қатнашаётган иштирокчиларни ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг янги кўринишидир.

Халқ банки матбуот хизмати.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси

суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари бўйича мол-мулкни сотиш учун савдо ташкилотларини танлаш юзасидан ўтказиладиган такрорий танловда қатнашиш истагидаги савдо ташкилотлари (юридик шахслар)ни очиқ танловга таклиф этади.

Очиқ танловга суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари бўйича мол-мулкни (кўчмас мулк ва автомототранспорт воситаларидан ташқари) сотиш билан боғлиқ хизмат кўрсатиш қўйилади.

Танловнинг мақсади — суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари бўйича мол-мулкни сотиш учун савдо ташкилотларини танлаб олиш.

Танлов ўтказиш комиссияси томонидан танловда қатнашиш учун берилган ариза ва ҳужжатларни кўриб чиқиш Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасида 2010 йил 6 апрелдан бошлаб ҳар куни соат 10.00 дан 17.00 га қадар амалга оширилади.

Ариза ва ҳужжатлар қабул қилиниши ҳудудлар бўйича ўтказиладиган танловдан 5 кун олдин тўхтатилади, ариза ва ҳужжатлар Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси биноси —

Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 95-уйда (телефонлар: (8-371) 235-94-67, 235-94-68)

комиссия ишчи органи — ҳудудий бошқарманинг статистика ва таҳлил бўйича сектори (инспектори) томонидан қабул қилинади. Аризага илова қилинган ҳужжатлар шахсан, курьер ёки алоқа бўлими орқали ёпилган конверт билан мазкур эълонда кўрсатилган манзил бўйича «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари бўйича мол-мулкни сотиш учун савдо ташкилотларини танлаш бўйича танлови»га деб юборилиши керак.

Алоқа бўлими орқали юборилган ҳужжатлар ишчи орган уларни рўйхатдан ўтказган кундан бошлаб келиб тушган ҳисобланади.

Белгиланган муддатда тақдим этилмаган ҳужжатлар танловга киритилмайди.

337R/389

Ватан манзаралари

Фарғона вилояти ўлкашунослик музейида Ўзбекистон Бадиий академияси аъзоси, таниқли рассом Сергей Шерфеддиновнинг асарлари намойиш қилинмоқда.

Кўргазмага қўйилган полотноларда она-юрт манзаралари, бугунги кун одамларининг турмуш тарзи ва интилишлари ўзига хос ранг-тасвир орқали акс эттирилган.

Айтиш лозимки, шу пайтга қадар рассом асарлари дунёнинг кўплаб мамлакатларида намойиш этилиб, юксак эътирофга сазовор бўлганди. Сергей Шерфеддиновнинг ўз она шаҳрида ташкил этилган бу галги шахсий кўргазмасини ҳамюртлар олдидаги ижодий ҳисобот, дейиш мумкин.

Н. СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«ROKA COMPANY» уруғчилик компанияси

Янги мавсум учун Испаниядан келтирилган серҳосил маккажўхори уруғларини таклиф қилади.

Уруғлар сертификатланган ва давлат реестрига киритилган.

Тел.: 257-44-01, 257-44-03, 100-83-13, 382-56-57.

488/264

ВНИМАНИЮ РУКОВОДИТЕЛЕЙ, ИНЖЕНЕРОВ ПО ОХРАНЕ ТРУДА!

ОРГАНИЗАЦИЯ ПРЕДЛАГАЕТ ПРОДУКЦИЮ **по ОХРАНЕ ТРУДА и ТЕХНИКЕ БЕЗОПАСНОСТИ:**

- *плакаты и стенды по ОТ и ТБ;*
- *учебные наглядные пособия для вузов и колледжей;*
- *тренажеры «Максим» для обучения приемам реанимации.*

Оплата — по перечислению.

Тел./факс (+998 71) 233-53-00.
Тел.: (+998 97) 717-17-52, (+998 90) 186-28-52.

330R/372

Қанчалик аччиқ бўлмасин, фан-техника ҳамда маданият тараққий этаётган, юксак маънавият ва инсонпарварлик энг олий қадриятга айланаётган бир пайтда дунё миқёсида одам савдосининг кўлами тобора кенгайиб, ҳақиқий "вабо"га айланиб бормоқда. Бугун тараққий этган барча давлатлар ушбу қабоҳатга қарши умумэътироф этилган халқаро нормалар асосида кураш олиб бораётир. Ўзбекистонда ҳам бу борада барча халқаро ҳужжатлар ратификация қилинди, тегишли қонун кучга кирди. Айни пайтда ана шу ҳужжатларда белгиланган вазифалар изчил рўёбга чиқариб келинмоқда.

СОХТА ДЎСТЛАРНИНГ ҚАБИҲ ҚИЛМИШИ

Инсон қадри — муқаддас

Юртдошларимизнинг ҳаёти, соғлиғи, қадри ва шаънини ҳимоя қилишга қаратилган бундай тадбирлар мамлакатимизда ҳам кенг кўламда амалга оширилаётир. Хусусан, аҳоли ўртасида айнан шу мавзуда тушунтириш ишларини олиб боришга эътибор кучайтирилди. Жумладан, пойтахтимиз, вилоятлар ва туманларнинг аҳоли гавжум жойларида, жамоат транспортларида, бекатларда хорижда осон пул топишнинг оқибатлари ҳақида кўплаб огоҳлантирувчи плакатларни кўриш мумкин. Айни пайтда ҳуқуқ-тартибот идоралари, маҳаллалар, таълим муассасалари ходимлари, ҳуқуқшунос-олимлар одамлар билан четга ноқонуний ишлаш учун чиқишнинг хавф-хатари тўғрисида суҳбатлашмоқда. Ватандан йироқда замонавий қуллик азобларини — камситиш, қадр топталиши, ҳуқуқлари поймол этилиши каби хўрликларни бошидан кечирганлар бу ҳақда таниш-билишларига айтиб бераётгани муаммонинг нечоғли жиддий эканлигини оммага тушунтиришда анча фойдали кечмоқда.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда XXI асрнинг ушбу қабиҳлигига қарши курашиш бўйича республика комиссияси самарали иш олиб бораётир. Бугун мазкур комиссия саъй-ҳаракати билан одам савдосига дахлдор ҳар бир ҳодиса қаттиқ назоратга олинмоқда, қуллик, шу жумладан, жинсий эксплуатация қурбонларини ўз уйига қайтариш, уларни реабилитация қилиш бўйича аниқ чоралар кўрилаяпти.

Бироқ шундай бўлса-да, минг афсуски, бундай ҳолатлар учраб турибди. Чунки айрим разил кимсалар ўзини гўё яхшилик қилаётгандай кўрсатиб, ишонувчан, содда одамларга чет элда мўмай пул топиш ҳақида пуч ваъдаларни бериб, уларни ўлжага айлантирмоқда, зўравонлик, ғайриинсоний азоб-уқубатлар гирдобига тортмоқда.

Пойтахтимиз ҳуқуқ-тартибот органлари ўтган йил охирроғида мана шундай халқаро уюшган жиноий гуруҳ фаолиятини фош қилдилар. Маълум бўлишича, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари — 1984 ҳамда 1972 йилларда туғилган Евгения Васильева ва Наталья Трофимова, уларнинг хорижлик ҳамтовоқлари — 22-27 ёш атрофидаги асли миллати юнон бўлган Кипр фуқароси Макс ҳамда тахминан эллик ёшни қоралаган Туркия фуқароси Ойхон мазкур гуруҳ аъзоси бўлишган. Жиноий гуруҳнинг ҳар бир аъзоси ўз вазифасига эга эди. Дейлик, Н. Трофимова хушрўй қизлар билан танишар, уларнинг пинжига кириб, Кипрдаги "жаннатмонанд ҳаёт" ҳақида оғзидан бол томиб гапирарди. Унинг, айниқса, орол давлатида пул топиш имконияти ниҳоятда катта эканлиги, чунончи, официант ёки рақоса бўлиб ойига камида 1000-1500 АҚШ доллари ишлаш мумкинлиги тўғрисидаги сўзлари содда қизларнинг қизиқишини баттар оширарди. Бундай тузоққа тушиб қолганлар эса ушбу оролга боришга ёрдам беришни сўрай бошлашади. Наталья уларни Е. Васильевага йўлиқтирар, у эса, ўз навбатида, қизларга ҳужжатларини расмийлаштириш, самолётга чипта харид қилиш, хуллас, мамлакатдан чиқиб кетишга ёрдам берарди. Келишилган жойда уларни Ойхон ва Макс кутиб турарди. Қизларнинг ҳужжатларини олиб қўйгач, фоҳишабозлик билан шуғулланишга мажбурлашарди.

24 яшар Ирода Ш. ушбу гуруҳнинг қурбонларидан бирига айланди. Вилоятдан пойтахтга келган Ирода кичикроқ бир қасабада официант бўлиб ишлар, чет элдаги "жаннат" етти ухлаб тушига ҳам кирмасди. Агар ўтган йили августда кафега тушлик қилишга кирган Наталья Трофимовани учратиб қолмаганида, у ҳали ҳам ўша кафеда тинчгина ишлаб юрган бўларди. Наталья Ироданинг қадди-қомати келишган, чиройли эканлигини кўриб, боз устига вилоятдан келганлигини билиб, у билан танишишга, яқинлашишга, ишончига киришга ҳаракат қилди. Унга бу содда, ғўр қизни ўз домига туширишга қийин кечмади. Чунки оилавий ғурбатлар боис Тошкентга нажот излаб келган Ироданинг бу ерда на таниши, на яқини бор эди.

Шундай қилиб, Наталья қарийб ҳар куни Ирода ишлайдиган кафега келар, мижозлар бўлмаганида — бўш пайтда қиз ҳақидаги керакли маълумотларни бирма-бир сўраб оларди. Айни пайтда чет элдаги ҳаёт, у ерда пул топиш ҳақида ҳам ўз "афсона"сини такрорлашни канда қилмасди. Буни эшитган Ироданинг хаёлида режалар ғужғон ўйнарди: Кипрдан пул ишлаб қайтса, Тошкентдан квартира олади, уйдагиларига ёрдам беради...

Қизга таъсир ўтказган Наталья бир куни очиғини айтди:

— Сенга бу ерда арзимаган чойчақа учун ишлашнинг нима кераги бор, мен Кипрда сенга официантликка жой топаман, у ёқда сенга 1000-1500 АҚШ доллари тўлашади. Ҳадемай, бой бўлиб қайтасан, ҳамма нарсангга етади, сенга барча ҳавас билан қарайди... Ахир мен дугонангманку, сенга ёрдам бермасам, кимга бераман...

Натальянинг бичиб-тўқишлари, Ироданинг болаларча соддалиги ўз натижасини берди. Ҳеч қанча вақт ўтмай Ироданинг ўзи Кипрга бориш учун Натальядан ёрдам сўрай бошлади.

Шунда кутилганидек, содда қизнинг ҳаётида Евгения Васильева пайдо бўлди. У Ироданинг йўл харажатлари учун пули йўқлигини яхши билар, шу боисдан дугоналик ҳурмати барча харажатларни ўз бўйнига олди. Кипрдан ишлаб келгач, пулни қайтаришга келишишди.

Шу тариқа Евгения Ирода хорижга чиқиш учун виза расмийлаштирди, "Тошкент — Истанбул" йўналиши бўйича чипта харид қилди. Ирода Истанбул аэропортидан Кипр оролининг Туркия ҳудудидаги Иржон шаҳригача учиши керак эди. Манзилга етиб боргач, божхона назорати ходимлари уни ташриф мақсадини аниқлаш учун тўхтатишди. Шунда туркиялик Ойхоннинг аралашуви билан муаммо ҳал бўлди. У Ироданинг паспортини олиб қўйиб, касалхонада текширтирди. Сўнгра уни "Кризи" казиносига олиб бориб, юзини сидириб, энди мижозлар кўнглини овлашини айтди.

Бу сўзлардан Ироданинг аъзои-бадани титраб кетди: "Мен фоҳишалик қилишга эмас, официант бўлиб ишлашга келганман", дея йиғлади. Унинг ялиниб-ёлвориши Ойхоннинг пинагини ҳам бузмади. Ирода Тошкентга қайтаришини сўраб илтижо қилганда эса, аввал беш минг доллар ишлаб беришини, сўнгра уни қўйиб юборишларини таъкидлади. Ирода бундай талабни бажармаслигини айтганида, хонага уюшган жиноий гуруҳнинг тўртинчи аъзоси — Макс кириб келди. У агар Ирода айтилган ишларни бажармаса, уриш, овқат бермаслик билан қўрқитди...

Бу икки қабиҳ кимсанинг Иродага берган азоблари, у чеккан уқубатларнинг барчасини қоғозга туширишнинг иложи йўқ. Улар ўз мақсадларига эришдилар...

Ким билади, агар Ирода Тошкентдаги ўз танишига телефон қилиб, кўргиликларини айтмаганида, унинг азоблари яна қанча давом этарди?..

Шу ўринда ғўрлик қилиб адашган, ўзи билмай жуда катта хатога йўл қўйган қизни қутқаришга бор кучини сарфлаган йигитнинг хизматларини алоҳида эътироф этиш керак.

Ирода бу тутқунликдан халос этилди. Лекин унинг терговчига айтишича, у ерда яна тўрт нафар — Гульфира, Татьяна, Дениза ва Севара исмли ҳамюртлари саргардон, қулликда азоб чекишаяпти. Улар ҳам алдов, соддалик қурбони бўлишган. Уларнинг тақдири не кечади?

Мамлакатимиз бу қизларни қутқариш чорасини, албатта, топади. Айни пайтда мана шундай қабиҳлик ва разолат "ижодкорлари"ни ҳам Ирода Ш.нинг тақдирига аралашган гуруҳ сингари адолатнинг қора курсиси кутади.

Пўлат ДОНИЁРОВ.

ҲАМ ҒУРУР, ҲАМ ИФТИХОР БАҒИШЛАЙДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

оширилмоқда. Бунёдкорлик фалсафаси барча гўшалар қатори пойтахтимиз Тошкент шаҳри қиёфасини ҳам бутунлай ўзгартириб юборди. Бу ерда улкан қурилиш ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, шаҳар янада чирой очди.

Президентимизнинг 2008 йил 2 апрелда қабул қилинган "Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишларга янгича мазмун-моҳият бахш этди. Буни биз ҳар қадамда кўриб-кузатмоқдамиз. Жумладан, Амир Темур хиёбонида катта қурилиш ва таъмирлаш, ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш ишлари амалга оширилди.

Пойтахтимизнинг кўркига кўрк қўшиб, уни янада фусункор кўрсатаётган жиҳат бу, табиийки, унинг бетакрор хиёбонларидир. Улар орасида Амир Темур хиёбонининг алоҳида ўрни бор.

Юртбошимиз раҳнамолигида мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ тарихимизни, буюк аждодларимизнинг бой меросини ўрганишга, уларнинг номларини абадийлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда юртимизнинг барча шаҳар ва туманларидаги кўчалар, хиёбонлар, таълим, маданият ҳамда санъат масканлари, истироҳат боғлари тарихимизни, миллийлигимизни, ўзлигимизни акс эттирувчи номлар билан аталади.

Бу каби бунёдкорлик ишлари, мафтункор кўчалар, муҳташам бинолар, серфайз боғлар шаҳримизни дунёнинг ҳар қандай мамлакати пойтахти билан тенглаша оладиган, ҳатто кўпларига намуна бўлишга муносиб шаҳарга айлантирди.

Бугунги кунда тарихий қадриятларимизга содиқ ҳолда, замон билан ҳамнафас ривожланаётган Тошкент, чин маънода, бунёдкорлик маркази, диёримизнинг бутун кўрку тароватини ўзида намоён этадиган, элу юртнинг инсонийлик фазилатларини, миллатнинг шаъни, ор-номуси, ғурурини, эзгу интилишларини, юксак мақсадларини, нурли келажагини ифодалайдиган Шарқнинг ёрқин юлдузи сифатида тараққий этиб бормоқда.

Ўзлигимизни англаш учун миллатнинг ғурур ва ифтихор рамзига айланган асл қадриятларидан бири Амир Темур даҳосидир. Ўз даврида Турон мулкининг салтанати соҳибига айланган бу зот қудратли давлат тузиб, миллатни бирлаштириш борасида тарихий вазифани адо этган.

Ислом Каримов ташаббуси билан Амир Темур қадрияти юксак поғонага кўтарилди, 1996 йилда Соҳибқироннинг 660 йиллик тантаналари нишонланиши муносабати билан Тошкент, Самарқанд ва Қашқадарёда ул зотга ҳайкал ўрнатилди. Бундай юксак эҳтиром ва тарихий адолатни тиклаш замирида ўтмишдаги аждодларимизга юксак эъзоз мужассам. Амир Темурга бўлган беқиёс ҳурмат борасида Президентимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асаридан ушбу сўзларни ўқиймиз: "Шахсан мен "Темур тузуклари"ни ҳар гал ўқир эканман, худдики ўзимга қандайдир руҳий куч-қувват топгандек бўламан. Ўз иш фаолиятимда бу китобга такрор-такрор мурожаат қилиб, ундаги ҳеч қачон эскирмайдиган, инсон маънавияти учун бугун ҳам озиқ бўладиган ҳикматли фикрларнинг қанчалик ҳаётий эканига кўп бор ишонч ҳосил қилганман. Масалан, "Тажрибамда кўрилганким, азми қатъий, тадбиркор, ҳушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тадбирсиз, лоқайд кишидан яхшироқдир", деган сўзлар бугунги кунда ҳам маънавий жиҳатдан нақадар долзарб аҳамиятга эга экани барчамизга аён".

Президентимизнинг мана шундай беқиёс эҳтироми туфайли бугун хорижий мамлакатларда ҳам Амир Темур даҳосига қизиқиш ортиб бормоқда. Унинг ҳаётий ҳикматларини нуфузли таълим даргоҳларида сабоқ олаётган юз минглаб талабалар ўқиб ўрганмоқдалар.

Айни пайтда пойтахтимизнинг марказида, Соҳибқирон Амир Темур номи билан аталувчи хиёбонда бетимсол салобат билан қўр тўкиб турган бобомиз ҳайкали қалбимизга чексиз ғурур бахш этади.

Бугун мамлакатимизга ташриф буюрадиган хорижлик сайёҳлар, юртимиз меҳмонлари ва ёшлар ушбу хиёбонга келганларида, Соҳибқирон ҳайкалига боқиб ҳайратланадилар. Зеро, ўз тафаккури ва ҳарбий салоҳияти ила жаҳонни забт этган Амир Темур шижоати, жасорати унинг ҳайкалида ҳам яққол акс этган.

Истиқлол йилларида ушбу хиёбонда Амир Темур таваллуди муносабати билан Соҳибқирон ҳайкали пойига гуллар қўйиш анъанага айланди. Ҳаётнинг пасту баландини кўп кўрган отахону онахонлар, истиқлолнинг бахтли фарзандлари, кенг жамоатчилик бу ерга ташриф буюриб, бобомиз ҳайкали қошида бош эгишади.

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги муносабати билан бутунлай янгича қиёфа касб этган хиёбонда бугун ўзгача файз ҳукмрон. Кўм-кўк арчалар, янгитдан ўрнатилган гўзал фавворалар, ям-яшил майсалар хиёбоннинг минтақамизда ягона бўлмиш "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройига монанд тарзда жозиба касб этишига сабаб бўлди. Бу ерга ташриф буюрган борки, муаззам хиёбон узра кечаю кундуз ярқираб турадиган сарой гўзаллигидан баҳраманд бўлади. Бундай сайру саёҳатларда буюк бобомизнинг олтин мероси қалбларимизни янгилайди, кўнгилларда эзгулик уруғи ниш уради.

Миллатимиз фахру ғурурига айланган, файзга бурканаётган ушбу хиёбондан таралган ёғду халқимиз дилини чароғон айлайверсин.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ.

ҚИЗИҚАРЛИ ЎЙИНЛАР, КУТИЛМАГАН НАТИЖАЛАР

Футбол бўйича Ўзбекистон XIX миллий чемпионатида учинчи тур учрашувлари якунланди.

Футбол

Таъкидлаш лозимки, ушбу тур кутилмаган натижаларга бой бўлганлиги билан ҳам мухлислар қалбида узоқ вақт сақланиб қолса ажабмас. Ўтказилган етти учрашувда майдонга тушган икки юз нафарга яқин футболчи дарвозаларга, бор-йўғи, олтита тўп киритишди, холос. Ҳолбуки, жамоалар ўйинида ўнлаб голга тортадиган вазиятлар бўлди. Бу, бир томондан, чемпионат беллашувларида рақобат кучайганидан далолат берса, иккинчи томондан, ҳал қилувчи зарбани йўллай оладиган ҳужумчилар етишмаётганлигини кўрсатди.

Жумладан, мамлакатимизнинг амалдаги чемпиони "Бунёдкор" Ғузорнинг "Шўртан" жамоаси билан ўз майдонида 1:1 ҳисобидаги дуранг натижага кифояланишга мажбур бўлди. Чемпионат етакчиси ўтган йилги мавсумда ўз майдонида умуман очко йўқотмаганди. 2008 йилда эса бундай учрашувларда фақат бир марта дуранг натижа қайд этган. Яъни пойтахтимизга "Барселона" президенти Жоан Лапорта ташриф буюрган ҳамда Пекиндаги Олимпиаданинг очилиш кунига тўғри келган сана 8 августда МҲСК стадионида мезбонлар "Пахтакор" билан 1:1 ҳисобида дуранг ўйнагандилар.

Луис Фелипе Сколари шогирдлари Осиё чемпионлар лигасидаги кетма-кет муваффақиятсизликларга қарамай, биринчи дақиқаларданоқ ҳужумга ташланишди. Мезбонларнинг тинимсиз ҳаракатлари танаффусга чиқиш пайтида ўз самарасини берди. Денилсон меҳмонлар дарвозасига тўп киритиб, жамоасини олдинга олиб чиқди — 1:0.

Иккинчи бўлимда ҳам майдон эгалари нисбатан устунлик қилишди. Аммо энди "Шўртан"нинг қарши ҳужумлари ҳам хавфли бўла бошлади. Шундай вазиятларнинг бирида захирадан майдонга тушган Зайниддин Тожиев ҳисобни тенглаштиришга муваффақ бўлди — 1:1. Сколари вазиятни ўнглаш учун майдонга ҳужумчи Анвар Солиевни чиқарди. Лекин ғалаба тўпини киритиш мезбонларга насиб этмади.

Турнинг яна бир қизиқарли ўйини Наманганда "Навбаҳор" ва "Пахтакор" жамоалари ўртасида кечди. Мазкур учрашувга қизиқиш жуда юқори бўлди. Шу куни шаҳардаги "Марказий" стадионига беллашувни кузатиш учун 32 минг нафардан зиёд ишқибоз ташриф буюргани ҳам фикримизни исботлайди. Айтиш жоизки, наманганлик ишқибозлар чемпионат ўйинларини кузатиш бўйича ўзига хос рекорд ўрнатишди. Мухлислар билан деярли лиқ тўлган стадионда мезбонларга қаршилик кўрсатиш "Пахтакор" учун жуда қийин бўлди. Лекин шунга қарамай, 19-дақиқада ёш иқтидорли футболчи Алишер Азизов томонидан киритилган гол пойтахтликларнинг кичик ҳисобдаги ғалабасини таъминлади.

— Мен футбол ишқибозлари кўп бўлган мамлакатда фаолият олиб бораётганлигимдан хурсандман, — деди "Пахтакор" жамоаси бош мураббийи Миодраг Радулович учрашувдан кейин ўтказилган матбуот анжуманида. — Таркибимизда жиддий йўқотишлар бор эди. Асосийси, ёш футболчилар билан ҳам яхши натижага эришиш мумкинлигини кўрсата олдик. Бугун рақиблар дарвозасига тўп киритган Алишер Азизов, насиб қилса, яқин икки йил ичида Ўзбекистоннинг энг кучли ҳужумчиси бўлади. Ўз навбатида, янгидан шаклланаётган "Навбаҳор" жамоаси ҳақида икки оғиз илиқ фикримни билдириб ўтсам. Наманганликлар ҳам ёшларга катта эътибор қаратишаётгани таҳсинга лойиқ. Қисқа вақт ичида кучли жамоа тузиш қийин. Ишонаманки, яқин йиллар ичида "Навбаҳор" медаллар учун курашадиган жамоалар сафига қўшилади.

Учинчи турнинг қолган ўйинларида қуйидаги натижалар қайд этилди: "Насаф" — "Нефтчи" 2:0, "Қизилқум" — "Локомотив" 0:1, "Динамо" — "Металлург" 0:0, "Андижон" — "Хоразм" 0:0, "Олмалиқ" — "Машъал" 0:0.

Ҳозирча турнир жадвалида 7 тадан очко жамғарган "Локомотив" ва "Бунёдкор" жамоалари биринчи, иккинчи ўринларни банд этиб туришибди. Учинчи поғонада бораётган "Пахтакор" клуби ҳисобида 6 очко бор.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Танлов

"Баркамол авлод йили" Давлат дастури доирасида ўтказилаётган "Миллий қадрият, урф-одат ва анъаналар" республика кўрик-танловининг Наманган вилояти босқичи Косонсой туманидаги тарихий маскан — Муғтепа қалъасида бўлиб ўтди.

ҚАДРИЯТЛАРГА ЭТИБОР

Ёшларда ватанпарварлик туйғусини янада кучайтириш, улар ўртасида миллий анъана ва қадриятларни кенг тарғиб қилиш мақсадида ташкил этилган ушбу тадбирда икки мингдан зиёд йигит-қиз чавандозлик, аския айтиш ҳамда бир қатор миллий ўйинларда ўз маҳорат ва чаққонликларини синовдан ўтказишди.

Якунда умумжамоа ҳисобида биринчи ўрин янгиқўрғонлик йигитларга насиб этди.

Қ. НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

МЎЙНОҚНИНГ СПОРТЧИ ЁШЛАРИ

"Спорт ёшларни турли иллатлардан қайтарадиган, ҳал қилувчи аҳамиятга молик энг яхши воситалардан биридир. Спорт билан шуғулланган йигит-қизларнинг саломатлиги яхши, фикри тиниқ бўлади, улар оилада соғлом турмуш тарзини шакллантиришга ёрдам беради". Президентимизнинг Оқсаройда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида таъкидлаган ушбу сўзлари замирида айни ҳаёт ҳақиқати мужассам.

Фахр

Зотан, мустақиллик йилларида спортни, айниқса, болалар спортини ривожлантириш борасида амалга оширилган кенг кўламли ишлар натижасида юртимизнинг нафақат шаҳар ва туманларида, балки олис-олис қишлоқларида ҳам замонавий спорт иншоотлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бугунги кунда минглаб ёшлар ҳар хил спорт турлари билан мунтазам шуғулланиш имкониятига эга бўлишди.

Юртимизнинг энг чекка гўшаларидан бири Мўйноқда ҳам жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишлар кишини қувонтиради. Бугунги кунда туманда 1195 нафар йигит-қиз, шундан 505 нафар хотин-қиз спорт турлари билан доимий равишда шуғулланиб келмоқда. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ёрдамида бундан уч йил муқаддам туман халқ таълими бўлимига қарашли 6 ва 7-мактаблар қошида замонавий спорт заллари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Мазкур спорт залларининг ҳар бири 8 миллион сўмликдан ортиқ спорт инвентарлари билан таъминланди. Жамғарма томонидан тумандаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабига жами 16 миллион 948 минг сўмлик жиҳозлар олиб берилди. Биргина ўтган йилнинг ўзида тумандаги 180 та кам таъминланган оиланинг спортсевар фарзандларига 9 миллион 900 минг сўмлик спорт кийимлари совға тариқасида тарқатилди.

Шу йил февраль ойида Нукус шаҳрида 1993 — 1994 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида бокс бўйича ўтказилган мамлакатимиз минтақавий мусобақасида Р. Есемуратов биринчи, Р. Утегенов иккинчи ўринни эгаллашди. Ўтган йили Қозоғистон Республикасида бўлиб ўтган халқаро бокс мусобақасида А. Шарипов биринчи, Б. Қўйшиғулов иккинчи, А. Содиқов эса учинчи ўрин соҳиби бўлишган эди. Туман болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчиларининг миллий кураш бўйича Бухоро шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси биринчилигидаги муваффақиятли иштироки ҳам уларга яратилган шарт-шароитлар натижасидир, албатта. Бугунги кунда волейбол бўйича Қорақалпоғистон Республикаси терма жамоаси таркибида муносиб ўйин кўрсатиб келаётган спортчи қизлар Н. Аяпова, Р. Атамуратова, Г. Ибрагимова ва Д. Калилаева Мўйноқ туманида ўсиб, камолга етаётган ёшлардир.

— Жамғармамиз томонидан сўнгги етти йил мобайнида Оролбўйида жами 92 та спорт иншооти қурилиб, фойдаланишга топширилди, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирининг ўринбосари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси директори Б. Қалабаев. — Шу даврда қорақалпоғистонлик ёш спортчилар жаҳон, Осиё чемпионатларида, халқаро мусобақаларда муваффақиятли иштирок этишиб, 34 та олтин, 30 та кумуш ва 36 та бронза медалларини қўлга киритишди.

Дарҳақиқат, буларнинг бари юртимизда болалар спортига эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигининг самараси ва ёрқин ифодасидир. Келгусида қўлга киритилажак натижалар бундан-да салмоқли бўлиши, шубҳасиз.

Ҳидоят АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

ОБ-ҲАВО

(6 апрель)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, баъзи жойларда ёмғир ёғиши мумкин. Тунда 8-10 даража илиқ, кундузи 20-22 даража иссиқ бўлади.

Бухоро ва Навоий вилоятлари. Айрим жойларда ёмғир ёғиши кутилмоқда. Ҳарорат кечаси 6-11 даража илиқ, кундузи 18-23 даража иссиқ бўлади.

Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, баъзи ҳудудларда ёмғир ёғиши мумкин. Тунда 6-11 даража илиқ, кундузи 20-25 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилояти. Айрим жойларда қисқа муддатли ёмғир ёғади. Ҳарорат кечаси 6-11 даража илиқ, кундузи 20-25 даража иссиқ бўлади.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғиш эҳтимоли бор. Тунда 8-13 даража илиқ, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлади.

Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари. Ёғингарчилик кутилмайди. Тунда 8-13 даража илиқ, кундузи 20-25 даража иссиқ бўлади.

Тошкент шаҳри. Ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғиши мумкин. Ҳарорат тунда 8-10 даража илиқ, кундузи 20-22 даража иссиқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

NBU

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

пластик карточкалар учун мўлжалланган ускуналарга сервис хизматлари кўрсатиш ва уларни таъмирлаш хизматларини тақдим этувчи компаниялар орасида танлов эълон қилади.

Танловда қатнашиш учун буюртманомаларни (банк белгилаган шаклда) қабул қилиш ҳамда буюртманома юборган юридик шахсларга танлов ҳужжатларини бериш ушбу эълон чиққан санадан кейинги 7 календарь куни мобайнида амалга оширилади. Бунда буюртманомага юридик шахс давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома илова қилинган бўлиши шарт.

Олинган танлов ҳужжатлари асосида тайёрланган тижорат таклифлари (оферталар)ни қабул қилиш мазкур таклифлар қандай шаклда юборилганидан (почта орқали ёки шахсан келтирилганидан) қатъи назар, ушбу эълон чоп этилган санадан кейин 30 календарь куни ўтгач, соат 17.00 да тўхтатилади.

Буюртманома шакли ва танлов ҳужжатларини олиш, шунингдек, тижорат таклифлари (оферталар)ни юбориш учун манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100084, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 101-уй, «Ўзмиллийбанк» бош маъмурий биноси. Телефон: (8-371) 234-42-75. Интернет-сайт: www.nbu.com

Қўшимча маълумот учун Нуриддинов Садриддин Сайфитдиновичга мурожаат қилинг.

336R/70

Tucson

Ўз йўлингни танла!

Тез кунларда савдода бўлади!

Drive your way

МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Кафолат — 2 йил ёки 50 000 км.

HYUNDAI Official Partner

www.hyundai.com.uz

Tel. (8-371) 250-11-11

280R/1835

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 303. 53486 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t-Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — М. Охунова.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.30 Топширилди — 23.30 1 2 3 4 5